



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 1 » iyul

№ 412

Toshkent sh.

Стратегик ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида

Табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланган стратегик ташкилотларга етказиб берилаётган табиий газ учун ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш ҳамда уларнинг молиявий аҳволини барқарор сақлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланган стратегик ташкилотларга “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча етказиб берилган табиий газ қийматига 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилиши тартибини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. “Ўзтрансгаз” АЖ ушбу қарор қабул қилингунига қадар “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги ташкилотларга шартномадаги ҳажмлардан ортиқча етказиб берилган табиий газ қийматини 1,4 коэффицент қўлланмаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 105-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“105. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан (ушбу қоидаларга иловада кўрсатилган табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар бундан мустасно) шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади. Вужудга келган қарздорлик учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда:

ушбу қоидаларга иловада кўрсатилган табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар газ таъминоти ташкилотига тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

қолган истеъмолчилар газ таъминоти ташкилотига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня тўлайди”.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов заммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов